# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 4-OKTABR, JUMA, 120 (8201)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Олтиариқ тумани бўйича 35 минг хонадон бўлиб, деярли барчасининг томорқасида токзор бор. Бу хонадонларнинг ҳар бири ўртача ўн тоннадан узум ҳосили етиштирганда ҳам уч юз эллик минг тоннани ташкил қилади. Бу тахминан олинган мўлжал. Ана боринг, шуни ярми етиштирилди деганимизда ҳам биронта туманда бунчалик кўп узум етиштирилмаса керак.**

2



**Кенгашлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган фермерларнинг мақсадлари рўёбида ҳамкору ҳаммаслагига айланмоқда.**

3



**Зарафшонлик тадбиркор Наргиза Зарипова 2011 йилда замонавий пардалар тикишга мўлжалланган «Наргиза» тикув цехини ташкил этган эди. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан қисқа муддатда харидорини топиб улгурди.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА




► Мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Брюссель мэриясининг Готика залида Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими ўтказилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда қўлга киритилган кенг кўламли муваффақиятлар, шунингдек, давлатимиз ўз тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти, бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг самаралари билан атрофлича танишдилар.

► **Пойтахтимизда Ўзбекистон корхоналарига ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича замонавий "Тежамкор ишлаб чиқариш ("Кайдзен") тизимини жорий этиш ва ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

► Жорий йилда Сирдарё вилоятида тўққизта спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Оқолтин туманидаги 6-, Боёвут туманидаги 38-умумтаълим мактабларининг спорт залларида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Йил охиригача Сирдарё, Оқолтин, Сайхунобод туманларида мусиқа ва санъат, Янгиер ва Ширин шаҳарларида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

► **Термиз шаҳрида Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборот-ташкилий фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари мавзусида семинар ўтказилди.**

Сурхондарё Вилояти



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**ЖАРҚЎРГОН ТУМАНИДАГИ «СУРХОНТЕКС» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ЙИЛИГА 5 МИНГ ТОННА ИП-КАЛАВА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН КОРХОНАДА ОЛТИ ЮЗГА ЯҚИН ИШЧИ ВА МУҲАНДИС ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.**

МУНОСАБАТ

Бухоро Вилояти

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

**Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини ҳамда воҳанинг бир гуруҳ фермерлари билан бўлган учрашувда аграр соҳада қўлга киритилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар, галдаги вазифалар тўғрисидаги фикрларини зўр қизиқиш билан тингладик.**

Давлатимиз раҳбарининг пахтачиликда ҳар бир вилоят иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган навларни яратиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги фикрлари мен каби кўплаб қишлоқ мулкдорларида катта иштиёқ уйғотди. Хусусан, фермер қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қилиши ҳақидаги фикрлари ҳар бир қишлоқ мулкдорини ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, янада масъулият билан ишлашга ундади. Фермерларга қарата билдирилган бундай ишонч ҳар биримизни янада фаолроқ бўлишга, ташаббускорлик кўрсатишга, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этади.

Хўжалигимиз асосан уруғлик пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Дастлаб 79 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлсак, айни кунда ихтиёримизда 230 гектар экин ери бор. Хўжалигимиз қошидаги уруғчилик лабораториясида эса вилоятимиздаги илмий муассаса ходимлари ва соҳа мутахассислари билан ғўза ҳамда ғалла экинларининг навини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳамкорлик олиб боряпмиз. Ҳар йили экин ерларидан юқори ҳосил ва салмоқли даромад олиб, ўтган даврда хўжалигимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишга эришдик. Айни кунда хўжалигимизда 60 бош қорамол, 120 бош қўй, 90 оила асалари парваришланади. 4,5 гектарлик боғ ва чорбоғлардан ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Қўшимча тармоқларнинг йўлга қўйилиши олинадиган даромадларимизни ошириш баробарида 12 та янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Президентимиз қашқадарёлик фермерлар билан учрашувида фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам ташлаганини, мазкур жараёнда ҳудудларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқларини олиб кириш орқали аҳолининг турмуш даражасини, қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилашга ҳисса қўшишлари лозимлигини, бу масалада уларга давлат, маҳаллий ҳокимликлар ёрдам бериши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбарининг фермерларга бу каби эътибор кўрсатишлари, уларни қўллаб-қувватлашларига бизлар ҳам ўзимизнинг меҳнатимиз, яратувчанлик ишларимиз билан муносиб жавоб қайтаришимиз керак. Шу мақсадда жорий йилда мевани қайта ишлаш ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларини қуриб, ишга туширмоқчимиз.

**Асатилло МИРЗАЕВ,**
**Вобкент туманидаги "Нажим Тош обод" фермер хўжалиги раҳбари.**

## ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Тошкентда 3 октябрь куни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш соҳасидаги илғор тажрибаларни алмашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий семинари бошланди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг офиси, Марказий Осиё қайта тикланадиган энергия манбалари минтақавий маркази ва Марказий Осиё минтақавий экология маркази томонидан ташкил қилинди. Икки кунлик семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик, идора, жамоат ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари, Ўзбекистон, Европа, Марказий Осиё мамлакатларидан олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д.Сабо ва бошқалар айни пайтда Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида муайян тажриба тўплангани таъкидлади. Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш кўламини кенгайтириш, ушбу йўналишдаги миллий бозор ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муқобил энергетикани янада ривожлантириш, бой табиий ресурсларни ўзлаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, муқобил энергия манбаларини қўллаш соҳасида илмий тажриба тадқиқотларини рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Энергетика соҳасида ресурс тежаш масаласи бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу энергия истеъмоли миқдори уни ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Газ, нефть, кўмир ва уран ҳамон асосий энергия манбалари бўлиб қолмоқда. Сўнгги 40 йилда қазиб олинган органик ёқилғи миқдори инсоният тарихида қазиб олинган миқдордан ошиб кетди. 1992 йил Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТ конференциясида қабул қилинган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларация ҳамда XXI аср кун тартиби барқарор тараққиёт концепциясига асос солди. Мазкур концепцияга мувофиқ энергетикани барқарор ривожлантириш талаблари ишлаб чиқилган. Шу боис, қайта тикланадиган энергия манбалари – қуёш, шамол, биогаз, сув ва ер ости бойликларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Семинар кун тартибига қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, аҳоли пунктларини автоном (тизимлаштирилмаган) электр энергияси билан таъминлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини стандартлаштириш ва сертификатлаш билан боғлиқ масалалар киритилган. Иштирокчилар қайта тикланадиган энергия манбалари, қуёш ва шамол энергетикаси технологиялари соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини ҳам муҳокама этади.

– Бизнинг компания бир хонадонда ўнта лампочка, телевизор ва компьютерни электр энергияси билан таъминлайдиган қуёш панеллари ишлаб чиқармоқда, – дейди "Solar Energy Products" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Э.Абдуллаев. – Қуёш панеллари Ўзбекистон иқлим шароитида ишлаш учун мослаштирилган бўлиб, улардан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қуришда фойдаланилмоқда. Бу панеллар Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтида ишлаб чиқилган технологиялар асосида тайёрланмоқда.

Семинар якунида Марказий Осиёда қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги ишлар ва бу борадаги минтақавий ҳамкорликни янада кучайтиришга доир тавсиялар қабул қилинади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**




НаВоий Вилояти

## ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР МЕБЕЛЛАР

**Зарафшон шаҳридаги "GOLDEN MILE-ZARAFSHON" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган идора жиҳозлари, ошхона ва ётоқхона мебеллари, замонавий шкафлар, компьютер техникалари учун столлар ва яна бошқа кўплаб жиҳозлар бежиримлиги, сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.**

— Ишлаб чиқариш цехини замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаганмиз, — дейди корхона раҳбари Ўткир Салимов. — Дастлаб ишни йўлга қўйиш учун Халқ банкининг Зарафшон бўлимидан 230 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит олган эдик. Цехда ўз ишининг усталари бўлган ёшлар ишлашяпти. Ҳар куни уч турдаги мебель тайёрлашга эришяпмиз. Келгусида ишлаб чиқаришни ошириш эвазига бу кўрсаткични 15 тага етказишни, савдо дўконимизни очишни режалаштиряпмиз.

**Абдурасул САТТОРОВ**

Наманган Вилояти

## АЧЧИҚКЎЛНИНГ ШИРИН БАЛИҚЛАРИ

**"Наманганбалиқ" масъулияти чекланган жамиятининг сунъий кўллари Аччиққўл ҳудудига тўғри келади. 520 гектарли кўлларда дўнгпешона, сазан, оқ амур каби балиқ турлари парваришланмоқда.**



Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

Ўтган йили жамият томонидан 365 тоннадан зиёд балиқ етиштирилиб, эл-юрт дастурхонига тортиқ этилган эди. Бу даромад ошишига, натижада жамият моддий-техника базаси мустаҳкамланишига хизмат қилди. Жорий йилда инкубатория биноси тўлиқ таъмирланиб, илғор технологиялар билан жиҳозланди. Иккита замонавий юк машинаси ҳамда юқори унумли юклагич техникаси сотиб олинди.

— Бу йил 434 тонна балиқ етиштиришга аҳд қилгандик, — дейди жамият раҳбари Рустамжон Тиллақўзиев. — Шу мақсадда 13 та сунъий кўлни сифатли тозалаб, таъмирладик. Сўнгра уларга 654 минг дона балиқ чавоқларини ташладик. Айни пайтда овланаётган балиқларнинг ўртача тирик вазни бир, бир ярим килограммга тўғри келмоқда.

Жамиятда Ибодулло Муродов, Камолиддин Рустамов, Араббой Тожиев сингари ишчилар меҳнати бошқаларга ибрат бўлмоқда. Эришилаётган ютуқлар барчани янги муваффақиятларга ундамоқда. Ҳайдовчилар Абдусаттор Ҳотамов, Улуғбек Абдуллаев, Дониёр Тожиев эса балиқ маҳсулотларини ўз вақтида мижозларга етказиб беришда ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Сирдарё Вилояти

## ЯНГИ ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ

**Гулистон пахта тозалаш заводининг "Фарҳод" қабул масканида гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган "Олтин зар парранда" МЧЖ паррандачилик фермаси фаолияти йўлга қўйилди. Айни вақтда мазкур фермада 3000 та зотли жўжа белгиланган рацион асосида парвариш қилинмоқда.**

— Ўн кунлик жўжаларни Тошкентдаги паррандачилик фабрикаларидан келтирдик, — дейди тажрибали жўжабоқар Мастура Ашурметова. — Улар 50 кун боқилгач, 3,5-4 килограмм тош босади ва истеъмолчиларга етказиб бера бошлаймиз. Энг муҳими, фермамизда 5 та янги иш ўрни яратилди.

Ферманинг Мастура Ашурметова, Жасур Ашурметов, Эргаш Турғунов, Феруза Тошбоева каби ишчилари жўжаларни ветеринария талаблари асосида эмлаш, соғлом ўстириб, парваришлашга алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар. Бу эса ҳозирдан ижобий самара бераётир. 20 кунлик жўжаларнинг вазни 800-1000 граммдан ошмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Андижон Вилояти

▼ МАВСУМ

# ТАШАББУС ИМКОНИЯТ ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА

**Пахта йиғим-терими мавсуми арафасида андижонлик кўплаб фермерлар гектар ҳисобига 40 центнердан ошириб ҳосил олиш ташаббуси билан чиқишди. Вилоят фермерлар кенгаши маълумотларига қараганда, ҳозиргача уларнинг сони 500 нафардан ошди.**



Айни пайтда Андижон туманидаги Иброҳимжон Алимов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги деҳқонлари ташаббускорлар орасида карвонбошилик қилмоқда. Улар ушбу мавсумда 40,5 гектар ерда ғўзанинг "Андижон-36" навини парвариш қилишди. Камхаражат, каммеҳнат ва серҳосил пахта етиштириш технологиясининг жорий этилгани боис, ҳосил мўл бўлди. Шу кунларда 40 центнерлик довон босиб ўтилди, терим эса давом этмоқда. Мутахассисларнинг эътироф этишича, биринчи теримнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик гектаридан ўртача 50 центнерга етади.

Ташаббускорлар сафида Бўз туманидаги Баҳодир Қодиров раҳбарлик қилаётган "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалиги ҳам бор. Хўжаликда 15,9 гектар майдонда ғўзанинг "Андижон-35" нави парвариш қилинди. Астойдил меҳнат самараси ўлароқ, киши ҳавасини келтирадиган даражада ҳосил яратилди. Шу кунгача ҳар гектар ғўза майдонидан шартномадаги 36,1 центнер ўрнига 40 центнердан зиёд ҳосил йиғиб-териб олинди.

Баҳодир Қодиров раҳбарлик қилаётган хўжалик кўп тармоқли. Бу ерда пахта, ғалла етиштириш баробарида чорвачилик, асаларичилик йўналишлари ҳам йўлга қўйилган. Ёғ-мой корхонаси буюртмаси бўйича эса такрорий экин сифатида кунгабоқар ҳам парваришланмоқда.

Мутахассислиги иқтисодчи бўлган ва бу борада устозларидан тажриба орттирган ёш фермернинг режалари бисёр. Баҳодир ҳар ишда инсон омилига эътиборини қаратади. Далада ишлаётганларга барча қулайликлар яратилган дала шийпони ҳақиқий оромгоҳнинг ўзи. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўз эгатини билади. Эгали эгатда эса кўчат бут бўлади. Парваришдаги илдамликнинг сири ҳам ана шунда.

— Фермерликнинг имкониятлари кенг, — дейди Баҳодир Қодиров. — Яқинда бир муддат Японияда бўлиб, ўз малакамни ошириб қайтдим. Қиёслаш давомида билдимки, ҳали бизда очилмаган қирралар кўп экан. Жумладан, ер парвариши орқали ҳосилдорликни бундан-да ошириш мумкин эканлигини ўз даламиз мисолида кўриб турибмиз. Ҳадемай гектаридан 80-100 центнердан ғалла, 45-50 центнердан пахта етиштириш одатий ҳолга айланади.

Вилоятда пахта тайёрлаш бўйича пахтаободликлар ҳам етакчилар қаторида боришмоқда. Мазкур туманда ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40 центнердан оширишга аҳд қилган фермерлар сафи анча кенг. "Авангард", "Агроном олим", "Анорбой Абдуқаҳҳор", "Ўткирбек Шокиров", "Шояд", "Шоҳруҳ Фарзонабону" каби фермер хўжаликларида биринчи теримда гектаридан 35-38 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди.

Келинг, шу ўринда бир рақамга эътибор қаратсак, мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ташаббус натижасида вилоят бўйича белгиланганидан ортиқча 12 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинади. Демакки, фермерлар манфаатдорлиги ҳам шунга яраша ошади. Бу эса барчанинг дилидаги гап. Шундай эмас-ми?!

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Қарши туманидаги «Сувчи чўлда» фермер хўжалиги иқтисоди йил сайин мустаҳкамланиб, юқори натижаларга эришиб келаётган хўжаликлардан биридир. Жорий йилда ҳам ғалла ва пахтадан мўл ҳосил тўпланди. 50 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 55 центнердан ошириб дон олинди. 150 гектар майдондаги ғўза ҳосили ҳам кўзни қувонтиради. Йиғим-теримга киришган хўжалик аъзолари ҳосилдорликни 40 центнердан оширмоқчи. Албатта, чўл ҳудудида бундай натижага эришиш деҳқондан катта маҳорат ва тажриба талаб этади.**

# МЕҲНАТДА ҲУЗУР БОР

— Бизнинг ушбу ютуқларга эришишимизда тажрибали мироб Тошвой Жаҳонгировнинг хизмати катта, — дейди фермер Ҳилола Ўлжаева. — Хўжалигимизнинг номи ҳам бежизга "Сувчи чўлда" эмас-да. У киши бизнинг отамиз, яъни қайнотам бўладилар. Хўжаликни ташкил этганимизда маслаҳатлари, тажрибалари билан жуда катта кўмак берганлари боис шу номни қўйганмиз. Бундан тўрт йил олдин бу ерлар қамиш ва юлғунзорлардан иборат бир майдон эди. Тупроқнинг кучини бегона ўтлар олиб қўйган, ер унумдорлиги паст эди.

Энг аввало, ишни ерни сифатли шудгорлашдан бошладик. Бегона ўтларга қарши курашдик. Ерни тўйинтириш мақсадида маҳаллий ўғитлардан фойдаландик. Меҳнат қилинса, албатта, натижаси бўлар экан. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. Бу бизнинг шижоатимизни, ғайрату қатъиятимизни оширди. Яна меҳнатга зўр бердик. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги яна 2 центнерга ошди. Бу орада еримиз кенгайди — 200 гектарга етди. Меҳнатимизнинг қадрланаётгани масъулиятимизни ҳам оширди.

Дарҳақиқат, хўжалик аъзолари бирдам бўлиб ишлаётгани, уларнинг меҳнатдан завқ олаётганини яққол кўриш мумкин. Йиғим-терим ишлари авжига чиқмоқда. Механизаторлар Лазиз Рўзиев ва Равшан Раҳматов мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун техникаларини пухта ҳозирлашибди. Мирали Хушев, Рауф Нормуродов, Аббос Хидиров ҳар ишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар ғўза парваришида масъулиятли палла — августда қилинган меҳнат бугунги мўл ҳосил асоси дея таъкидлашди.

Хўжалик майдонларига сув насослар орқали етиб келади. Каналдан олинаётган обиҳаётнинг ҳар қатраси қадрланади. Ундан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бунда ҳам Тошвой Жаҳонгировнинг тажрибаси, маслаҳатлари қўл келмоқда.

— Ерни тузадиган ҳам, бузадиган ҳам сув бўлади, — дейди тажрибали ирригатор Тошвой Жаҳонгиров. — Тупроқ ва сув мувозанатини таъминлаш зарур. Экин талабига, чанқоғига қараб сув тараш лозим. Ана шунда ҳосил кўнгилдагидек бўлади. Етарли ҳосилни тўплаш учун экин ҳам, ер ҳам қийналмайди. Экиннинг ҳосил бериши ҳам меҳнатдаги завққа ўхшайди-да. Ишидан барака топган инсоннинг меҳнатида ҳузур бўлгани каби меҳр кўрган ер ҳам саховатини аямайди.

...Биз эса оппоқ чаманзорга айланган пахта далаларида бунинг амалий тасдиғини кўрамиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

**Музработ туманидаги «Музработ иссиқ нон» хусусий корхонаси таркибида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. 45 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун «Микрокредитбанк»нинг туман филиали 39 миллион сўм имтиёзли кредит ажратган бўлса, маблағнинг қолган қисми тадбиркор Мастона Бобоеванинг ўз ҳисобидан қопланди.**

# ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биноси мукаммал таъмирланди, сўнгра ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш ускунаси ёрдамида бир-кеча кундузда 1500 донагача қолипли нон ҳам тайёрланяпти.

— Ҳудудимизда бундай ишлаб чиқариш корхоналари кўпчиликни ташкил этади, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Қилич Каримов. — Тадбиркор Асомиддин Муртазоев макарон ишлаб чиқариш линиясини келтириб, ишга туширди. Соатига 100 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонанинг сифатли макаронлари 1, 5, 12 килограммлик идишларга қадоқланмоқда. Шунингдек, бу ерда 500, 600, 700 граммлик қолипли нонлар пиширилиб, савдо расталарига етказилмоқда.

Музработ агросервис касб-ҳунар коллежи битирувчилари Жуманазар Ўтаганов, Искандар Жумаев каби ёшлар ушбу линиянинг ишга тушиши туфайли доимий иш ўрнига эга бўлганликларидан хурсанд.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Фарғона Вилояти

# ОЛТИАРИҚ УЗУМЛАРИ

## ҲАМ ЮРТИМИЗ БОЗОРИГА БАРАКА КИРИТМОҚДА, ҲАМ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**Яқинда Олтиариқ туманининг бир неча маҳалласида бўлиб, узум етиштиришда бой тажриба тўплаган кишилар билан суҳбатлашдик. Туман марказидаги Кўл бўйи маҳалласи Чинор таги кўчаси 94-уй ташқи томонида темир устунларга сим тортилган ишкомларда ҳар боши бир килограммдан ҳам ошадиган ҳусайни узумлар кўзни қувонтирарди. Уй соҳиби Нўъмонжон ота Низомов дарвозадан энди чиқиб турган экан, саломлашиб сўрашдик.**



— Уйимиз ташқариси, ҳовлимиз ўртаси ва чорвоқдаги токларда етилган узум ҳосилини чамалаб кўрсам, ўн етти тоннадан ошади, — деди ота тепадаги ҳусайниларга қараб. — Ҳар кило узумни икки минг сўмдан сотсак, ўттиз беш миллион сўмдан ошади, уч мингдан сотсак эллик бир миллион сўмдан ортиқ бўлади. Яратганга шукрки, ҳар йили узумдан яхши даромад оляпмиз. Турмушимиз йилдан йилга фаровонлашиб боряпти.

— Бошқа навлардан ҳам борми?

— Бизда баракали бўлади деб фақат ҳусайни, хоним бармоқ узумлар етиштиришади. Олтиариғимизнинг бошқа жойларида "Ризамат", "Мерседес", яна шунга ўхшаган қизил рангли навлардан ҳам экишган. Улар қаттиқ, нархи ҳам баланд бўлади-ю, лекин сақлаш қийин. Ундан ташқари, майдаларини тинмай териб туриш керак. Айримлар чанг тушмайди, деб чилги навларни энди-энди кўпайтиришяпти. Асли мана шу ҳусайни ва ҳасайни узумининг шифобахшлиги юқори. Уни сўритокда узмасдан поя ва плёнка билан ўраб қўйсангиз қишда ҳам тураверади.

Бугун Олтиариқда "Қайси маҳалла энг кўп узум етиштиради?" деган баҳс юради. Бу саволга кўпчилик туман марказига яқин бўлган Чинор шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудига кирувчи маҳаллаларни айтишади. Биз ҳам шу маҳаллаларни айланиб, аҳоли хонадонларида етиштирилган узум ҳосилини кўргач бунга ишонч ҳосил қилдик. Туман ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Валишер Мадиев бир галги суҳбатимизда шу шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги тўққизта маҳалланинг шахсий томорқа эгалари бир йилда камида ўн тоннадан ортиқ узум етиштираётганини айтган эди. Қолаверса ўзининг уйида ҳам сархил узумлар бор.

— Агар маҳаллада бирон киши узумига яхши эътибор бериб қарамаса, қўшнилар уни ўртага олишиб дашном беришади, — дейди Валишер Мадиев. — Олтиариқда яна бир анъана бор, узумни бошқа жойга бориб сотиб келган одам маҳалланинг ободончилиги учун ҳисса қўшиши керак. Шу мақсадда сотилган узумнинг ҳар юз яшигидан биттасининг пули маҳаллада тузилган комиссияга берилади. Ўзини ўзи бошқариш идоралари шу йўл билан маҳалланинг битмаган ишларини битириб олишяпти, ободончиликка яхши эътибор билан қараяпти. Бу борада йирик тадбиркор Соли ҳожи Мадраҳимовнинг ишларини ибрат қилиб айтсак арзийди.

Катта Фарғона каналининг ўнг соҳилида ўзига хос узумзору мевазор яратган миришкор боғбон, саксон ёшли Тожали ота Тожидавлатов ёш соҳибкорларга ўз маслаҳатларини берибгина қолмай, узумларга ишлов бериш орқали юқори ҳосил кўтариш йўлларини амалда кўрсатади.

— Халқимизнинг тўқлиги, юртимизнинг ободлиги мустақиллик туфайли юзага келди, — дейди отахон. — Илгари шўро даврида фақатгина пахтада ишлаган одамни ёқтиришарди. Узумзорлар, боғлар ташкил қилиш жуда қийин эди. Мана ҳозир ҳаммага эркинлик берилган, ким нима эзгу ишни хоҳласа қилиши мумкин. Фермер хўжалиги юритаман деган одамга ер беріляпти, тадбиркор бўламан деганга давлат рўйхатидан ўтказиб, кенг йўл очиляпти. Мен ҳам ўз меҳнатим билан беш гектар ер ўзлаштириб, боғ қилганман. Ким боғимга келса, "Ўзингиз бориб териб олинг, мириқасиз" дейман.

Узумчи маҳалласида яшовчи Собиржон Мамасоттиев Қапчуғай адирларида икки гектар узумзор яратиб, ҳар йили ўртача юз тонна атрофида ҳосил етиштиряпти. Шу маҳаллада яшовчи Исоқжон Бойматовнинг эса олти гектар узумзори бор.

— Туманимиз бўйича 35 минг хонадон бўлиб, деярли барчасининг томорқасида токзор бор, — дейди "Маҳалла" жамоат фонди Олтиариқ тумани бўлими раисининг ўринбосари Равшанбек Абдуллаев. — Бу хонадонларнинг ҳар бири ўртача ўн тоннадан узум ҳосили етиштирганда ҳам уч юз эллик минг тоннани ташкил қилади. Бу тахминан олинган мўлжал. Ана боринг, шуни ярми етиштирилди деганимизда ҳам биронта туманда бунчалик кўп узум етиштирилмайди.

Кунига тумандаги аҳоли хонадонларидан узум юкланган ўнлаб совиткичли ёпиқ машиналар турли шаҳар, вилоятларга, ҳатто хорижий мамлакатларга равона бўляпти. Олтиариқликлар аҳоли дастурхонини узум неъмати билан тўлдириш, янада тўкин қилиш учун муносиб ҳисса қўшишяпти.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Хоразм Вилояти

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

*Боғот туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида вояга етмаган болалар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.*

Туман ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада Ҳазорасп, Боғот ҳамда Янгиариқ туманларидан келган ўғил-қизлар стол тенниси, баскетбол ҳамда 400 ва 800 метр масофаларга югуриш бўйича ўзаро беллашдилар. 400 ва 800 метр масофаларга югуриш борасидаги баҳсларда боғотлик Жуманиёз Жабборов, Хумоюн Саъдуллаев ғолибликни қўлга киритган бўлса, стол теннисида ҳазорасплик Озода Воисова, Боғот туманилик Муҳаммад Ўктамов ўз тенгдошларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Баскетболчилар мусобақасида ҳам Боғот тумани жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Тадбир сўнггида ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Самарқанд Вилояти

▼ 2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ОБОДЛИК ОДИМЛАРИ ЖАДАЛЛАШДИ

**Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган давр мобайнида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида эришган ютуқлару марраларимиз ҳақида исталган соҳадан хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин. Биргина Самарқанд вилоятини олайлик. Улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган вилоятда мустақиллик йилларида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, юксак марралар забт этилди. Энг муҳими, одамларнинг турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бормоқда.**



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган. Ушбу Давлат дастурида мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, ҳар бир оилада ва умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган. Шунга кўра, бу борада Самарқанд вилоятида ҳам жуда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бандлигини оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда, айниқса, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ишлаб чиқилган махсус дастурга мувофиқ, жорий йилнинг олти ойида вилоятда 48,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди. Эътиборли жиҳати, бунинг 38,8 мингтаси қишлоқ ҳудудларида ташкил этилди. Иш ўринларининг 2235 таси янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, 17377 таси кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, 6019 таси хусусий тадбиркорликни, 8661 таси касаначиликни, 9183 таси фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, 4627 таси ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада тараққий эттириш, 578 таси иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига яратилди. Бу жараёнда нисбатан аҳоли зич жойлашган туманлар, кишиларнинг меҳнат кўникмалари, ишлаб чиқаришдаги лаёқати ҳисобга олинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик туфайли одамларда ерга, меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бугунги ер эгасини оддий деҳқон эмас, сер-қирра тадбиркор дейиш мумкин. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 101 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Биргина боғдорчилик тармоғига 868 нафар қишлоқ аҳолиси жалб этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини доимий меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд 158 та касб-ҳунар коллежини 102 мутахассислик бўйича 60 794 нафар йигит-қиз битирди. Шундан 57 971 нафари, яъни 95,4 фоиз битирувчилар корхоналарга уч томонлама шартнома асосида бириктирилди. Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган 8699 битирувчининг 4283 нафарига тижорат банклари томонидан 11,6 миллиард сўм кредит ажратилди.

Давлат дастурига кўра, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Мисол учун, вилоятдаги 174 километр узунликдаги йўллар ва 93 километр йўлаклар мукаммал таъмирланди, йўл сатҳлари асфальт қилинди. Бунда қишлоқлар ички йўлларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўплаб қишлоқлардаги ички йўллар таъмирланди. 24 та қишлоқ массивига олиб борувчи 13,4 километр масофадаги ички йўллар янгидан қурилди. 42 та болалар майдончаси қайта таъмирдан чиқарилди. 182 та болалар спорти майдончасида эса ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, жорий йилда қишлоқ жойлардаги 10 минг оила намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий турар-жойларга эга бўлишади.

Умуман олганда, Давлат дастурининг халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш, янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув, электр энергияси билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган банди ижроси ҳамда бошқа соҳалар бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**«Qishloq hayoti» мухбири.**

Наманган Вилояти

▼ ФЕРМЕР – ҚИШЛОҚДА ЕТАКЧИ КУЧ

# КЕНГАШГАННИНГ ЙЎЛИ КЕНГ

**Халқимизнинг шундай ибораси бор: кенгашли тўй тарқамас. Бугун фермерларимизнинг эришаётган ютуқлари, уларнинг ғайрату шижоатига нигоҳ ташлаб бу иборанинг нечоғлиқ пурмаъно эканлигига тан берамиз. Юртбошимизнинг яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи ва фермерлар билан учрашувларидаги фикрларидан ҳам фермерликнинг истиқболли ҳаракат экани, унинг жамиятимиздаги ўрни нақадар муҳим бўлиб бораётганини яна бир бор англаб етдик.**

Ҳа, бугунги кунда фермерлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Бу жараёнда янги ташкил этилган кенгашлар фермерларнинг яқин ҳамкори, маслаҳатгўйига айланди, уларнинг тараққиёт ва фаровонликни таъминлашдаги хизматларини, истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Наманган вилояти фермерлар кенгаши томонидан ишчи гуруҳи ташкил этилиб, 1500 нафар фермер билан очиқ мулоқот ва учрашувлар ўтказилди. Жорий йилнинг январь ойида вилоятдаги тегишли соҳа ташкилотлари, ўқув муассасалари ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда қишлоқ мулкдорларининг фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликларини оширишга ҳамда агротехник тадбирларнинг илмий асосларига бағишланган фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўқуви ташкил этилиб, махсус сертификатлар берилди.

Фермерларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида вилоят фермерлар кенгаши, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида "Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини амалга ошириш бўйича тавсиялар" номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини оширишга кўмаклашиш учун иқтисодий ночор фермер хўжаликларининг мавжуд муаммолари ўрганилмоқда. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вилоят фермерлар кенгаши ҳузуридаги малакали мутахассислар томонидан амалий тавсиялардан иборат қўлланма яратилмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалигининг мураккаб жиҳатларидан бири — бу суғоришда асосан насослардан фойдаланишдир. Шунинг учун ички насослардан фойдаланаётган 500 дан ортиқ фермер хўжалигининг барқарор ишлаши, режали ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиши учун амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири – фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу борада ўтган давр мобайнида фермер хўжаликлари олдида турган муаммолар юзасидан келиб тушган мурожаатлар кенгаш ҳуқуқшунослари ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳал этилди. Жумладан, судларга 11 маротаба даъво аризаси, 59 маротаба жавобгар ташкилотларга огоҳлантириш хати киритилди. Даъво аризаларининг 6 таси хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди. Мисол учун, Чортоқ туманидаги "Дадабоев Иброҳим Жамшид" фермер хўжалигининг ерларини мақбуллаштириш жараёнида хўжаликнинг давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштириш мақсадида банк томонидан берилган имтиёзли кредит ҳамда таъминот корхоналари томонидан берилган ёқилғи-мойлаш ва минерал ўғитлар бўйича қарзи ерни қўшиб олаётган фермер хўжаликларига мутаносиб равишда ўтказилмасдан ушбу фермер хўжалигига қолдирилган. Натижада фермер хўжалиги банк ва таъминот корхоналаридан 76 миллион сўм қарздор бўлиб қолган. Вазият чуқур ўрганилиб, "Дадабоев Иброҳим Жамшид" фермер хўжалигининг қарздорлиги банк ва таъминот корхоналари ҳамда ерни қўшиб олган фермер хўжаликлари билан уч томонлама шартнома тузиш орқали тегишли фермер хўжаликларига ўтказиб берилди. Туман кенгашлари томонидан "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти, "Тўрақўрғон нефтбаза" ва "Уйчи нефтбаза" давлат унитар корхоналарининг туман шохобчалари томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат ва раҳбарлар фаолияти юзасидан фермер хўжаликлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижаларига кўра, аниқланган салбий ҳолатлар юзасидан мазкур корхоналар раҳбарияти огоҳлантирилди.

